

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (12.012)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан пойтахтимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкида «Standard & Poor's» халқаро рейтинг компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки рейтинг назорати» мавзuida семинар ўтказилди.

● Кўқон шаҳрида энгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Автосаноат компонент» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Аини пайтда мазкур корхонада буюртмага кўра «Спарк» автомобили учун 39 турдаги бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.

● Тошкент вилояти йўлсозлари Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига кирувчи «Оҳангарон — Гулистон» йўналишида кенг қўламли бунёдкорлик ва реконструкция ишларини жадал олиб боришмоқда. Мазкур йўналишнинг 61-километрда Сирдарё узра маҳобатли кўприк бунёд этилмоқда. Кўприкни «Чинор технотекс» МЧЖ ва пойтахтимиздаги кўприк қурилиш трести бунёдкорлари барпо этишмоқда.

● «Жиззах аккумулятор заводи» очик акциядорлик жамияти маъмурияти корхона ишчиларининг жорий йилда биринчи синфга қадам қўйган 50 нафардан зиёд фарзандларига компьютерлар совға қилди.

● Фаргона вилоятининг Қўштепа туманида барча қўламлиларга эга кўп тармоқли поликлиника фойдаланишга топширилди. Тумандаги «426-ХМКМ» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари барпо этган мазкур тиббий ёта масканда беморларга аниқ ташхис қўйиш, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари сезиларли даражада ортди.

● Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Энерго насл чорва» чорвачилик мажмуаси қошида сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Ҳозирда 16 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кунига 5 тоннагача сут қайта ишланиб, 7 турдаги тайёр маҳсулот харидорларга етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Россиянинг Братск районида кузатилаётган қуюқ туман авиация учун ўрмон ёнгинларини бартараф этишда бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Аини дамда бу ерда 13 та аланга ўчоғи қайд этилган. Кунни кеча ёққан ёмғир туфайли тутун анча камайди. Ёнгинга қарши қарийб 1900 нафар одам ва 600 та маҳсул техника кураш олиб бормоқда.

● Евроосиёликлар аини куз палласида яна ёзга қайтишди. Гап шундаки, Фарбий Европанинг аксарият қисмида ўртача ҳарорат кундалик меъёрдан сезиларли даражада юқоридади. Масалан, Испания шимол-ғарбда октябрь ойида ҳарорат эш баланд нуқтага етиб, 35 даражага кўтарилмоқда. Италияда 30, Парижда 29 даража иссик бўлмоқда.

● Австралиянинг жануби-шарқий қисмида бугун ҳаваскор олтин изловчилар сони одатдагидан уч бараварга кўпайиб кетди. Булар орасида аиникса, пенсионер ва ишсизлар кўпчилигини ташкил қилмоқда. Кишилар ташлаб кетилган олтин конлари ҳудудидида қимматбаҳо металлни қидирапти. Сўнгги вақтларда олтин баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши олтин изловчилар сонининг ортишига сабаб бўлди.

● Саудия Арабистони ҳукумати 6 та давлатни бир-бири билан боғлайдиган тезорар поезд қатновини йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур лойиҳа қиймати 25 миллиард АҚШ долларига тенг микдорда баҳоланиб, поезд қатнови учун 2117 километр узунликдаги темир йўл барпо этилади.

● Венгрия шимолидаги Комлод шаҳарчасида дала ҳайдаётган деҳқон собик иттифокка тегишли ҳарбий самолётни топиб олди. Мамлакат мудофаа вазирлиги томонидан эълон қилинган хабарга кўра, «ИЛ-2» русумли ушбу ҳарбий самолёт 1945 йилда Венгрияни бомбардимон қилаётган вақтда қулаб тушган бўлиши мумкин. Олиб борилган қазималардан сўнг самолётнинг мотори бутун ҳолда олиб чиқилди. Ҳатто учувчининг кўзойнағи ҳам топилган.

● Ҳиндистонда қимматбаҳо тошлар билан безатилган янги автомобиль намойиш этилди. Мумбай шаҳридаги «Tata motors» компанияси томонидан қимматбаҳо металл ва тошлардан ишланган янги «Tata nano» автомашинаси ягона нусхада бўлиб, унинг нархи 4,6 миллион доллар микдоридида баҳоланмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит боис хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сафи ортиб, уларда ишлаб чиқарилаётган халқаро андозаларга мос маҳсулотлар нафақат ички бозорда харидорлиги билан ажралиб туради, балки чет давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ана шундай жамоалар сирасига кирувчи «Man Davr Polimer» Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонасида ҳам тадбиркорлик билан ишланган боис йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, буюртмачилар ҳам кўпайиб бормоқда. Албатта, бу масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига қаратилган эътибордан далолатдир.

Хитой технологик линиялари билан жиҳозланган цехларда 50 нафар малакали мутахассиснинг меҳнати эвазига йилга 6 миллион погон метр маҳсулот тайёрлаш имконияти бўлиб, тадбиркорлар мазкур қувватдан унумли фойдаланишмоқда. Шу боис ҳам харидорлар талаби тўла қондирилди. Тайёрланаётган полипропилен коплардан озиқ-овқат, кимё саноатида, қурилишда маҳсулотларни сақлаш ва қадоқлашда кенг қўлланилмоқда.

Буюртмачилар орасида йирик саноат корхоналари, компания ва фирмалар мавжуд. «Навоийазот», «Аммофос-Максам», «Максам-Чирчик» акциядорлик жа-

миятлари, «Ўзимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, ёпиқ турдаги «Электрхимзавод» қўшма корхонаси сингари жамоалар доимий буюртмачилар сафидан ўрин олган. Шунингдек, корхонада илғор технологияларни қўллаб тайёрланаётган халқаро андозаларга мос полипропилен коплар Индонезия, Туркия, Латвия ҳамда бошқа чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Утган тўрт йил мобайнида бундай хорижий харидорлар сафи ҳам ортиб бораётганининг асосий боиси тадбиркорларнинг ташки бозорни ўрганишига қаратган муҳим эътиборларидир.

Буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда полипропилен копларнинг турли ҳажмдаги тайёрлаб берилди. Энг асосий эса маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, импорт ўрнини боса олиши ҳамда экспортга йўналтирилганлиги бўлиб, у сифат ҳам гигиеник сертификатга эгалиги билан ажралиб туради.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳажимжон Солиҳов олган сурат

МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясида «Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқаро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Эл-юртимизнинг ана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоат мураккаб, аини вақтда шарофли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай огир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини англаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор зиддият ва қарама-қаршиликлар билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

Бўлиб ўтган қизгин фикр алмашувлар давомида ўзининг таркибий тузилиши, мавзу-мундарижаси, асосий гоёси, бошқа манбаларда деярли учрамайдиган тарихий ва таҳлилий материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу китобга кирган, бугунги кунда биз учун ноб манбага айланган ҳужжатлар ўз вақтида халқимизни истиқлол йўлида, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида сафарбар этган бўлса, ҳозирги вақтда яна бир улф мақсадга — озода ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойиши ҳамда юксалтиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал асар ўзининг чуқур маъно-мазмуни, юртимизда истиқлолга эришиш, янги демократик жамият қуриш йўлидаги қўллаб-қувватлашга аниқ жавоб бериши билан келажакка қаратилган қомусий асар экани қайд этилди.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганиши ва яратиш борасида гоат муҳим ва қимматли манба бўлган ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда теран тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритиш, энг асосийси, унда баён этилган гоё ва қарашларни 2010 йили Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чиқиб йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий зами-

нинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзлигини англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг энг муҳим икки жиҳати эътибор қаратилди.

Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдирдишга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, унинг ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохта-лаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳақоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратди.

Конференция ишида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта қўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг тўб моҳиятини кенг жамоатчилик, аиникса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎзА)

ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУТЛУФ БАЙРАМИ ШУКУҲИ

Мамлакатимизнинг Ҳиндистон ҳамда Мисрдаги дипломатия ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросимлари бўлиб ўтди.

Хусусан, Деҳлида ўтказилган тадбирда Ҳиндистон Ташки ишлар вазирлиги, дипломатия ваколатхоналари, ҳукумат идоралари ва ишбилармон доиралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда сайёҳлик агентликлари вакиллари иштирок этди.

Байрам кечасида Ҳиндистон ташки ишлар давлат вазири Е.Аҳамед Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг ҳозирги ҳолатига юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил май ойида Ҳиндистонга буюрган давлат таш-

рифи икки мамлакат алоқаларидаги муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. Унинг фикрича, мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотнинг имзоланиши барча соҳаларда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида ўзаро манфаатдорлик ва интилиш мавжудлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, Е.Аҳамед Президент Ислам Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши икки

мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларга янги туртки ва ўсувчанлик бахш этишига ишончи қомил эканини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Ҳиндистонга келган ўзбекистонлик санъат усталарининг маданий дастури намойиш қилинди. Мазкур маданий тадбир тантанали маросим қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик юбилеи Миср Араб Республикасида ҳам қизгин нишонланди. Мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчихонаси томонидан уюштирилган тантанали кечада Мисрнинг сиёсий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари, вазирилари ва идоралари, етакчи ОАВ вакиллари ҳамда дипломатик миссиялар раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Марказий Осиё саноат ҳафталиги» халқаро анжумани доирасида бир йўла учта — «Тог-кон иши», «Металлургия ва машинасозлик» ҳамда «Йўл қурилиши ва коммунал техника» кўргазмалари иш бошлади.

✓ **ТОШКЕНТ** алоқа касб-ҳунар коллежида ахборот коммуникацион технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмати кўрсатишни ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий спорт синфлари ва ватанпарварлик клублари тарбияланувчилари қасамёд қабул қилиши.

Махсус сонда Ўзбекистон замонавий тараққиётининг қўламли атрафлича ўз ифодасини топган. Газетанинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи чоп этилган бўлиб, у нашрнинг кўп сонли ўқувчиларини республикамизнинг суверен тараққиёт йиллари давомида эришган муҳим зафарлари ва кенг қўламли муваффақиятлари билан яқиндан таништиради.

«Ўзбекистон: янги тарихнинг йигирма йили» сарлавҳали мақолада республикамизнинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнидаги асосий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ўз аксини топган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт модели, молия-банк тизимининг мустақамлиги хусусидаги маълумотлар, иқтисодий соҳанинг барқарорлигини тасдиқловчи юқори макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам газетхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Кенг қўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик, республикада яратилган қўлай сармоёвий иқлим, муҳим тармоқларнинг модернизация қилиниши ҳамда техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланиши тизимли ўзгаришлар ва мамлакат

Россияда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси, Ташқи сиёсат ва хавфсизлик институти ҳамда «Америка-Осиё-Европа-Африка» халқаро газетаси таҳририяти ҳамкорлигида мазкур газетанинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган махсус сони чоп этилди.

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ ХАЛҚАРО НАШР САҲИФАЛАРИДА

иқтисодиётини диверсификациялашни таъминлаш имконини берди», деб ёзади «Америка-Осиё-Европа-Африка» халқаро газетаси.

Нашрда, шунингдек, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан давлат мукофотларини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросим лаҳзалари акс этган суратли репортаж ҳам чоп этилган. Маълумки, халқимизнинг қўлтуғ байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш бораси-

даги фаол ва самарали фаолияти учун МДХ Ижроия кўмитаси раиси – ижро этувчи котиби С.Лебедев, Рус православ черкови епископи, Омск ва Тара митрополити (1990-2011 йиллар Тошкент ва Урта Осиё митрополити) Владимир «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотланди. Мазкур материалда фахрий нишонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси топширган қайд этилган.

«Жаҳон» АА
Москва

Иқтисодиёт

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

«Гранд-максимум» масъулияти чекланган жамияти ҳам ҳозирда ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари харидор талаб ва эҳтиёжини қондириб, чет элники билан сифати, замонавий дизайни жиҳатидан бемалол рақобатлашади. Корхонада 30 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, янги лойиҳалар яратмоқда, изланишлар давом эттирилмоқда.

Замон билан ҳамқадам ҳолда корхонада буюртмачи хоҳиш-истагига кўра иш юритиш бораборида, ўз таклифларини ҳам тавсия этишади. Ишлаб чиқаришда сифат доимий назоратда. Республика бўйлаб мижозларга эга жамият маҳсулотлари экологик мувофиқлик сертификатига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимизда мустақиллигимиз боис кенг қўламли бунёдкорлик, реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. Пойтахтимиздаги кўплаб ўқув масканлари, корхона, ташкилот, фирма, офислар учун 40 турдаги мебеллар ишлаб чиқаришмоқда. Айниқса, кейинги икки йил давомида олиёй юртли, академик лицейлар ҳамда қишлоқларда қурилётган замонавий турар жойлар учун мебель ва жиҳозлар тайёрлаб берилди.

Имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «Гранд максимум» МЧҚ мижозлар талабига мос, сифатли ва нисбатан арзон, сирасини айтганда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турларини кўпайтириш, шу асосда буюртмачилар сафини орттиришга эришишни кўзда тутишган.

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар, ҳуқуқий ҳимоя туфайли уларнинг сафи йил сайин ўсиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишдаги ҳиссаси ҳам ортмоқда.

Бугунги кунда 40 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган «Besh-yog' och-metall» масъулияти чекланган жамиятида юртимиздаги йирик бетон заводлари учун пўлат сим ва қурилиш ташкилотлари учун мих тайёрланади. Малакали мутахассислар ҳозирда бир кеча-кундузда ўртача 20 тонна сислар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар қувватидан самарали фойдаланишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлолий шарофати билан юртимизда бунёдкорлик ишлари авж олган бугунги кунда корхона маҳсулотлари бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Мазкур жамиятда ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилишлари, мароқли ҳордиқлари учун етарли шароит яратилган. Буюртмачиларнинг сифатли ортишида сифатга қаратилган асосий эътибор муҳим роль ўйнади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сертификатга эга бўлиб, талабга жавоб беради.

Ўтган вақт давомида корхона ўз олдида қўйилган эзгу мақсад йўлида барча имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда, янги лойиҳалар устида ишлашмоқда.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳунари гўзалларнинг санъат даражасига кўтарилган бетақроп маҳсулотлари, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган иқтидор соҳибларини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай гамхўрлик, ўз навбатида, хусусий бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик ривожига ҳам хизмат қилаётир.

Момомерос ҳунарларимиздан саналган миллий каштачилик ва тикувчилик билан шуғулланаётган «Хунарманд» уюшмаси азёси Наргиза Алибоева шундай хунармандлар сирасига киради. Ёшлигидан моҳир қўли каштадўз момосидан хунарининг сирасорларини астойдил ўрганди. Устойзинг нафақат ўзига, умуман қизиқувчан ёшларга бебаҳо миллий қадриятларимизнинг асл мазмун-моҳиятини меҳр билан тушунтиргани, шоғирдларни хунаридан бахт топса суюнганлигини энди яқини аниглади.

— Президентимизнинг «Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда, — дейди уста хунарманд Наргиза Алибоева. — Масалан, ушбу фармонга мувофиқ мен каби хунармандларга берилган солиқ имтиёзининг 2012 йил апрелига қадар узайтирилганиги уй шароитида халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУТЛУГ БАЙРАМИ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миср Халқаро ҳамкорлик вазири Ширин Мамдўх Ўзбекистон халқини энг улуг ва энг азиз байрами билан қутлар экан, ўтган 20 йил мобайнида республикамиз қўлга киритган муваффақиятларни Миср томони юксак баҳолашни қайд этди. У тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистон турли маҳсулотлари мураккабликларини ишонч билан бартараф этгани ҳолда сиёсий модернизациялаш ва иқтисодий тараққиёт йўлида юксак натижаларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Мисрлик таниқли бизнесмен Ҳамди Абулайеннинг фикрича, Миср ва Ўзбекистонни кўп асрлик ўзаро алоқалар боғлаб турадики, улар замонавий

босқичда ҳам икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётир. «Биз, Миср фуқаролари Ўзбекистон халқи билан дўстона алоқаларни юксак қадрлаймиз ва унга ҳурмат билан қараймиз. Урта Осиё мамлакатлари, жумладан, минтақавий ва халқаро микёсда қатта нуфузга эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур эканлигига ишонимиз комил», деди у.

Ҳамди Абулайеннинг айтишича, Ўзбекистон Республикаси минтақа мамлакатларининг араб дунёси билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутди. Шу маънода таниқли ишбилармон минтақанинг иқтисодий жиҳатдан анча тараққий топган мамлакатларидан бири сифатида Ўзбеки-

стоннинг сармоёвий салоҳиятига алоҳида ургу берди.

Байрам кечаси доирасида уюштирилган кўрғазмада тадбир иштирокчилари эътиборига Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларида эришган зафарлари ҳамда юртимизнинг бетақроп тарихий меъморий ёдгорликлари акс этган ранг-баранг суратлар ҳавола қилинди.

Шунингдек, тантанали маросимда «Ўзбекистон Республикаси: кўп асрлик тарих, тамаддун ва замонавийлик мамлақати» номли китобнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур китоб Урта Осиё мамлакатлари бўйича эксперт, араб тилидаги «Асия-Ал-Вуста» Интернет-агентлигининг бош муҳаррири Ала Фарук муҳаррирлигида нашр этилган.

«Жаҳон» АА

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини четлаб ўтишга қаратилган бўлиб, амалда бу ўз ижодий натижасини бермоқда. Айниқса кейинги вақтларда ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ БЎГИНИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолияти, молиявий барқарорлиги, ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлмоқда.

Кейинги вақтларда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида харажатлар ҳисобини «Миллий ҳамда халқаро» андозалар асосида «тақомиллаштириш» орқали ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Чунончи, бу борада ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини илмий асосланган ҳолда юритиш, субъектлар молиявий натижаларига таъсир этувчи харажатларни тўғри шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий таҳлил орқали баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти даврида маҳсулот таннархи бевосита харажатларга, янада аниқроқ айтганда, ресурслардан нечоғлик самарали фойдаланилаётганига боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилиши таннархни пасайтириш имконини беради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва уни тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб ва амалий аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда хом ашё ва материал сарфларини тўғри ҳисобга олиш ва таннарх шаклланишини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Амалда қўлланилаётган таннархни аниқлаш усуллари айрим ишлаб чиқариш жараёнларидаги харажатларни тўлиқ акс эттирмайди.

Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлашда ривожланган давлатлар тажрибасида келиб чиқиб, илғор усуллардан самарали фойдаланиш керак.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот оий давомида юзага келган харажатларни бухгалтерия ҳисобида умумлаштиради. Аммо материаллар, меҳнат харажатлари, бошқа бевосита харажатлар, меъёр ва меъёрдан четга чиқишлар алоҳида ажратилиб кўрсатилмайди. Натижада маҳсулотлари ишлаб чиқаришда турли хил маҳсулотларга сарфланадиган моддий, меҳнат харажатлари, ижтимоий сўғурта ажратмалари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари бўйича меъёрдан четга чиқишларни аниқлаш имкони бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ҳақиқий моддий ва бошқа харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлашда меъёрдан четга чиқишлар ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобга олиниши керак.

Илмий изланишларимиз амалиётга қўлланилиши иқтисодиётимиз учун ижобий натижалар келтиради деб ўйлаймиз.

Комилжон ИБРАГИМОВ,
Тошкент Молия институти илмий тадқиқотчиси
Рустам АБИДОВ,
Тошкент Молия институти магистранти

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар тобора мустақамланмоқда.

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мазкур ҳужжатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгиланган.


Пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатига шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш юртимиз раънақи, аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Савдо-саноат палатаси ҳузурда ташкил этилган Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи экспертлар кенгаши ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Давра суҳбатига мазкур кенгашининг таркиби, мақсади, йўналишлари бўйича батафсил маълумот берилди. Жумладан, ушбу тузилма таркибига давлат идоралари, илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, ишбилармонлар, миллий ва хорижий экспертлар, халқаро институтлар вакиллари киритилди. Кенгаш тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича иш олиб боради.

Бундай амалий чора-тадбирлар мамлакатимизда тадбиркорлик учун янада қўлай ишбилармонлик муҳитининг қарор топиши ва мустақамлаштиришга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири



ЯНГИ УСКУНАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳа ходимларини янгидан янги изланишларга ундаб, уларнинг сафлари ортиб бормоқда.

Жорий йилда ташкил топган «SALTANAT» музлатилган маҳсулотлари хусусий фирмаси ҳам ана шундай жомалар сирасига кириб ярим тайёр маҳсулотлари сифати билан соғлом рақобатга киришишга ҳам улгурди. Ҳозирда корхонада чувара маҳсулотларининг тўрт хил тури замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришмоқда.

— Цехларимиз Италия ва Хитойдан келтирилган технологик линиялар билан жиҳозланиб, маҳсулот сифати олиёй даражада бўлишига асосий эътибор қаратилган, — дейди корхона раҳбари Азиз Салинхожаев. — Шу ўтган қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча баробар ошишига эришдик. Италия технологиялари асосида юқори сифатга эга чувара маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, улар харидорлар талабига жавоб беради.


Айни вақтда корхона тадбиркорлари янги

лойиҳаларни ҳам амалга ошириш устида изланишмоқдалар. Йил охирига келиб ярим тайёр маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш мақсадида четдан янги ускуналар келтирилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг бир нечаси айни пайтда келтирилиб бўлинди. Ҳозирда уларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунинг билан таъкидлаб ўтиш керакки, импорт қилинаётган ускуналар фақатгина қадоқлаш ишларини амалга ошириб, маҳсулот тайёрлашда қўл меҳнатидан ҳам фойдаланилади. Маҳсулотлар бир марта ишлатиладиган, замонавий дизайнга эга идишларда қадоқланади.

Ҳозирда 15 нафар ходим фаолият юритаётган корхонада келгуси йилда тайёр маҳсулотларини музлатилган ҳолатда ҳамда қандолат маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Равшан ЮНУСОВ

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Хатжилдларни қайчилаганда

Тахририятимизга келаётган хатлардаги воқеа-ҳодисаларнинг ранг-баранглиги ва ташриф бу юраётган инсонларнинг ички оламидаги туйғулар бизни ҳеч қачон безтибор қолдирмаган. Аксинча, уларнинг шодликларини баҳам кўриш, ютуқларидан қувониш, дардларига малҳам бўлиш, ечолмаган масалаларига тахрират имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёрдамлашиш газетамизнинг асосий мақсадидир. Зеро, инсон манфаатларидан, унинг бахтли ва фаровон ҳаётини муҳимроқ ишнинг ўзи йўқ. Эйтиборингизга ҳавола этилаётган икки тақдир эгалари жамиятимиз аъзолари. Ўқинг фикр қилинг, муносабатларингизни хат ёки кўнғирок орқали билдиринг.

ЁШЛИК ҚАДРИ

Дунёда ёлғизликдан ёмони йўқ. Тунларни тонларга улаб ҳаёт кечириш эса ундан-да машаққат. Мен бир пайтлар жуда бадавлат, қадамдан ўт чақнайдиган шерюрак йигит эдим. Атрофимда дўстларим жамулжам, ким дўст, ким душман эканининг фарқига боришга вақтим ҳам, фурсатим ҳам йўқ эди. Катта бир корхонанинг етук муҳандиси эдим. Иқтидорим ва ғайратим билан меҳнат қилаётган жамоамда обрў ва нуфузга эга бўлдим. Бошлигимиз меҳнатимни қадрлаб, менинг мансабимни янада ошириб, ойлигимни ҳам кўтариб берди. Мен эса, айнан ўша кундан ўзимдан кета бошладим. «Иқтидориман, ҳар қандай жойда ҳам керакман!» деган ўй-хаёллар миямни пармалаб худбинлик дардига йўлқидим. Ўзимга ортиқча баҳо бериб, назоратимни йўқотдим. Тасодифан орттирган танишларим шарофати билан турли кўнғилочар кечаларнинг султониға айландим. Сархушлигим ошиб, манманлик йўлиға кириб қолганимни жуда кеч англадим. Ишхонамдаги раҳбаримнинг оғохлантиришларига парво қилмадим, ишга ҳам бир келиб, кетавердим. Яқинларимнинг гапларига қулоқ солмадим. Улар ҳаловатимни бузаётгандай туйилди. Қачон гиёҳвандлик балосига ўзимни урганганимни ҳозир ҳам эслай олмаيمان. Йўққан пулларимни, ишим, ота-онам хотиржамлиги ва ўз бахтимни, ҳаловатимни шу арзимас балойи нафсага топшириб қўйгандим.

ШУКРОНАЛИК

Мана ўлкамизга серфайз тўқин-сочин куз фасли ҳам кириб келди. Аслида бу фаслни серхосият фасл деб номлашди. Чунки бободехон ҳосилини, бобгон меваларини йиғиб-териб оладиган айни қизгин иш палласи. Шундай дамда маҳалларимизнинг кексаю ёши ҳам бир ёқадан бош чиқариб қишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Жумладан ҳар шанба тозалаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мана олти йилдирки маҳаллада оқсоқол вазифасини ўтаб келмоқдаман. Қанчанча қанча туташ тақдирларнинг яхши ва ёмон кунларига бирдай ҳамдам, ҳамқадам бўлиб яшаб келаялман. Ўтиб кетаётган йилларга назар ташлар эканман, борлигимни шукроналик туйғуси қамраб олади. Жаннатмакон дийримизда яшашнинг ўзи бахт. Президентимиз томонидан яратилаётган барча имкониятларда халқнинг бахтли ҳаёти, ёшларнинг порлоқ келажаги, юрт тараққиёти ва равнақи муҳимдир. Набираларимга қараб туриб, ёшлик шижоатим жўш уриб кетаётгандай ҳис қиламан ўзимни. Бундай дорилмомон, тинч-фаровон кунларнинг қадрига етмоғимиз керак. Йиллар давомиде, оиламга, фарзандларимга, ён-атрофимдагиларга ибрат бўлишга, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилдим. Шундай экан ўтган йилларимга шукроналик билан қарашга ҳаққим бор. «Кўркамобод» маҳалласида бажарилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларида ҳиссам борлиги кайфиятимни кўтариб, кўнглимни чоғ қилади. Ёшлар сафиде уларга бош бўлиб юришим, ҳар бир ишда бамавсалаҳат қадам ташлашим ўзимга ҳам жуда ёқди. Ёшлар оиламида яшаётганимнинг ўзи бир бахт. Саломатлигим, ғайрат, шижоатимнинг чексизлиги, ҳаётим мазмунни яқинларим бахти, маҳаллам осойишталиги ва бирлигидадир. Бу кунларнинг қадрига етиш, табиат неъматларини асраш, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиш, асосийси юртимизга муносиб инсон бўлиб яшаш ҳар биримизнинг олий бурчимиздир.

Сайдкарим СОВТОЛДИЕВ,
Учтепа тумани
«Кўркамобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



Талаба минбари ГАРД ЮҚТИРМАЙЛИК

Мустақиллигимиз шарофати боис, ўзбек тили бир неча минглаб халқаро атамалари билан миллий тилимиз лугатини янада бойитиб келмоқда. Тилимизнинг равон, гўзаллиги ва шу билан бирга мазмунан бойлиги бошқа миллат тилларидан ажралиб туради.

Шаҳримизнинг марказий савдо шохбчаларидаги умумий овқатланиш жойларида ёки бозор пештоқларига сомса, варақи ёки гўмма каби сўзларнинг реклама ёзувларига кўзимиз тушади. Бу албатта яхши. Аммо баъзан бу ёзувларнинг хато кўринишда ёзилиши, эътирозларга сабаб бўлмоқда. Масалан, биргина «гўмма» сўзининг «гумма» деб ёзилишида ҳеч қандай фарқ йўқдай туйилиши мумкин, бироқ биттагина ҳарфнинг нотўғри талқини маъно жиҳатдан катта аҳамият касб этади. «Гўмма» ҳоразмча шевадаги сўз бўлиб, ҳамир кесмаларига думалоқ шакл берилиб, ичига турли гўшт аралашмасидан ма-саллик солиниб ёгда пиширилиб олинган таомга айтелиди. «Гумма» эса, тиббиёт тилидаги ўзбекча атама бўлиб, инсон танасига чиқадиган турли йирингли тошмаларга айтелиди.

Кейинги вақтларда баъзи бир радио бошловчилари томонидан ҳам шевада талаффузи бузиб тингловчиға мурожаат этиш ҳоллари рўй бермоқда. Ўзбек тили жуда нафис, гўзал, жарангдорлиги билан дунё тилларини мафтун этиб келётгани ҳаммамизга маълум. Бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари «Муҳоккамату лугатин» — «Икки тил муҳокамаси» асариде тилимизнинг нечоги маънодош ва бойлигиға алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Ўзбек тили — миллимиз фахри. Унга гард теккизмай талаффузларни ва сўзларни бузмай сўзлашиш, таҳлил ва талқин қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мадина АХМЕДОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти тўртинчи курс талабаси

Ишдаги доимий зўриқишлар, ҳаёт ташвишлари ва оила юмушлари билан қачон шифохонаға ётиб даволанганимни ҳам эслолмайман. Шифокорлар асабларим жуда ҳам чарчаганини, агар вақтида даволаниш турмасам бу ёмон оқибатларға олиб келишини таъкидладилар. Кейинги вақтларда бошим муттасил оғриб, кўз олдим қоронғулашар, оёқ ва қўлларимдаги ёқимсиз оғриқлар кайфиятимға ҳам таъсир қўрғата бошлади.

Миннатдорлик СОҒЛИГИМ ТИКЛАНДИ

Соғлигимни тиклаб олиш мақсадида, шаҳардаги 1-Республика клиник шифохонасининг асаб-касалликлар кўлимида даволаниш чиқдим. У ердаги шарт-шароитлар, шифокор ва ҳамшираларнинг самимиийлиги ва ўз касбига бўлган масъулияти мени қувонтирди. Айниқса, невролог шифокорлар Мавжуда Ахролова, Мавжуда Ибрагимова, Мустафо Ҳалимов, ҳамширалардан Дилобар Ҳидоятнова, Гулнора Раҳимбердиеваларнинг беҳимнат хизматлари, самимиий мулоқотлари ва жонқуралик билан ишга ёндошишлари кўнглимни кўтарди. Кўйилган тўри ташхис, вақтида ўтказилган дори-дармонларнинг самарали натижаси туфайли соғлигим анча яхшиланди. Асабларим ҳам жойига тушиб яна ишимға қайтдим. Касбига содик шифокорларға газетангиз саҳифалари орқали миннатдорчилигимни етказсангиз, жуда ҳам хурсанд бўлардим.

Ҳурмат билан: Муротхўжа ТУРАГАЛОВ, Чиноз тумани

Ҳаёт сабақлари ОРТГА БИР НАЗАР

Инсон қилган хатосини жуда кеч англаб, уни тўғрилашнинг иложини топмаганда кўп нарсға тушуниб етаркан. Мен ҳам ана шундай кечирилмас гуноҳнинг сабабчиси, ўз фарзандимни оталик меҳридан жудо қилган кимсаман, дея ўзини таништирди суҳбатдошим.

Кўплар қатори муҳаббат дардига мубтало бўлиб, севиб-севилиб оила кўрдим. Турмушимиз ҳавас қилса арзигудек эди. Рафиқам нафақат менға, балки ота-онамға ҳам бирдек меҳрибон, саранжом-сарийшта аёл эди. Қизимиз туғилганида хонадонимиз янада файзагў тўлгандек бўлди. Иккаламиз ҳам бирдек бахтиёр эдик. Қизим бир ёшға етганда аёлим тўсатдан оғриб қолди. Шифокорлар жаррохлик операциясини қилиш кераклигини таъкидладилар. Операция кўнғилдагудек ўтди. Бироқ шифокорлар хотинимға фарзанд кўриш мумкин эмаслигини айтишди.

Дилобарни, яъни хотинимни ота-онаси соғлиги биров тиклангунча ўз уйларида парварош қилмоқчи эканлиқларини айтишиб, уни қизим билан бирға олиб кетдилар.

Шундан кейин бирданға онамнинг ниятлари ўзгариб қолди. «Бизға касалманд хотин керак эмас, бундан ташқари ёш умринг бир фарзанднинг юзига термулиб ўтадимми?» дея янги келин излашға тушдилар. Онамға Дилобар билан яшамокчи эканимни, бугёға пешонамға ёзилганини кўришимни айтганимда, «Она рози, худо рози» деб туриб олдилар. Бир умр қосам оқар-

маслигини қайта-қайта таъкидладилар. Фурурим ва кўнглим канчалар азобланмасин, онамнинг сўзларига қарши чиқа олмадим. Балки ич-ичимда онамға хайрихолик ҳам қўлдим. Журъатсизлигим сабаб, иккинчи марта уйланишға мажбур бўлдим.

Янги турмуш ўртоғим Дилобарнинг акси эди. Кўпол, серзарда, пиширган овқатларида ҳам маза йўқ, жуда пала-партиш аёл бўлиб, ҳатто яқинларим билан ҳам чиқишмасди. Онам гарчи ичиданги сиртиға чиқармасда қилган ишидан жуда изтироб чека бошлаганини кўзларидан, маънос нигоҳларидан сезиб ич-ичимдан янада эзила бошладим.

Ҳоҳида уни билан уйқум келмайдим. Биринчи хотинимни, қизимни жуда соғинаман. Дилим қанчалар изтироб чекамсин, ортга йўл йўқдай туйилади. Уларнинг олдиға боришға юзим йўқ. Қизимни уволит тутдим, уч йилдан бери фарзанд кўрмаймиз.

Энди эса нима қилишни билмайман. Дардим ичимда, азобланаялман. Азиялар менға қандай йўл кўрсатасизлар. Маслаҳатингизға муқтожман.

Абдушукур АЛИЕВ

Туйғулар

ДИЛ СОҒИНЧИ

Куз келди. Қадамлари сокин ва масрур. Барглар ҳил-пириб тебранмоқдалар, қуёш гоҳо маҳзун, гоҳо чарогон, оламға беҳимнат нурлар сочмоқда. Бу фасл кўнғилмға кундай яқиндир, унда соғинчларим қулоқ отади, баъзан мунг аралаш, кўз ёш аралаш дилим юракдагин йиғлаб айтади.

Билмадим, недандир бўлмади кўнғилим, асли-ку бу кўнғил ҳечам тўлмаган, баъзан ўз дунёси ўзига сиймай, ўзға узанларни излаб йиғлаган. Минг шукр, минг шукр дейман-у лекин, бағримда бир парча олов ёнади, унинг алангаси дарду дунёمنى, беаёв, бешафқат куйдиради. Ўқсиб дил ўқинар, соғинч ялинар, кўзлар йўлда қолди, она, бир келинг, мен бугун ўзимдан тошиб кетаялман, онажоним илтимос, ёнимда қолинг.

Биламан, ҳаммамиз омонат жонимиз, бу кўна оламға бир зум меҳмонимиз, бугун боримиз, эртагачи йўқ, лекин айрилиқлар берган ситамлар, бағримға кирмоқда мисоли бир ўқ. Бир паноҳ излайман, ёш боладайин, юрагимни очиб тўқким келяпти, онажон мен сизни жуда соғиндим,

ёнингизда бир пас тургим келяпти.

Сўрашға сўроғим кўндир онажон, саволлар бўғзимдан бўғяпти, бир дардаш, бир паноҳ топмай қолдим, борлигим боримни куйдираяпти. Ўзим ўзалигимни англолмай қолдим, ора йўл аросат қийнади она, катта шаҳарда довдираб қолдим, ўрнингиз билинди шу бугун яна. Жоним жаҳонимни ўртаптапти, азоблар бағримни эзгилаптапти, қароғимдан ёшлар тўқилаптапти, айтинг сиз қайдасиз, қайдасиз она?

Айтинг амман қани, ҳолам қайдадир, барингиз кет-дингиз бошингиз олиб, биргина оламға дардим айтмоққа, етмайди журъатим ёнида қолиб. Ёлғизим, яқиним дарда-каш оламға, сирларимни сира бой бермаялман, мен уни асрайман, у мени аяр, ўртада азоблар тиглайди она. «Хаммаси жойида, хаммаси яхши» деган ёлгон сўзлар йиғлайди она.

Қизларим фаришта, мисоли бир гул, уларни жонимда асраб келялман, кўз ёшларимни кўрмасин дея, ичимда ичкиб бўзлаб келялман. Яқинда бир бахтдан сарой кура-

Тадбирлар ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

«Машриқ-машъали» нодавлат таълим муассасасида «Ёшлар — мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми» мавзусида «Очиқ эшиклар куни» тадбири бўлиб ўтди.

Уни ўтказишдан мақсад, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизға яна бир назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомиде эришилган ютуқлар натижаларини ҳолисона баҳолаш, моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу шууриға етказишдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, «Машриқ-машъали» ўқув маркази ташкил топганиға 1,5 йил бўлди. Ҳар ойда марказни 150-200 нафар ўқувчи битириб чиқмоқда. Ўқув масканида профессор-ўқитувчилар ёшларға кўплаб йўналишлар бўйича таълим берадилар. Бу ерда ўрганган касб-хунарлари уларнинг келгуси ҳаётларида катта аҳамият касб этади.

Тадбир давомиде Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт бўлими раҳбари, шоира Мунаввара Тошпўлатова ва шоир Бобур Бобомурод ўз ижодларидан намуналар ўқидилар, санъаткорларнинг чиқиши ҳамда таълим муассасаси ёшларининг бадийий сахна кўринишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Мароқли ўтган тадбирда нодавлат таълим муассасаси томонидан ташкил этилган танлов голибларига махсус сертификат ва эсдалик со-вғалари тантанали равишда топширилди.

Нодира ЮЛДАШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг танлов комиссияси қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун юридик шахслар

ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов предмети — қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун ҳуқуқ бериш.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган юридик шахслар Тошкент шаҳрининг туманлари бўйича алоҳида-алоҳида ўз танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

Танловнинг асосий шартлари

Танлов очик ҳисобланади ва унда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳар қандай юридик шахс иштирок этиши мумкин.

Танловда банкрот деб эълон қилинган ёки тугатиш босқичида бўлган, ёхуд мол-мулки хатланган юридик шахслар иштирок этишға қўйилмайди.

Танловни ўтказиш тартиби ва иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш тартиби «Танлов ҳужжати»да кўрсатилган.

«Танлов ҳужжати» тўлов асосида бериледи.

Юридик шахсларнинг танлов таклифлари 2011 йил 12 октябрь соат 18.00гача қабул қилинади.

Танлов комиссиясининг мажлиси 2011 йил 13 октябрь Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Танлов яқунлари асосида танлов голиблари билан комиссия ўртасида транспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун шартнома тузилади.

Шартнома имзолангунға қадар (танлов ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида) комиссия голибларнинг танлов таклифлари ишончилигини текширишға ҳаққидир.

Танлов тўғрисидаги батафсил маълумот учун куйидаги манзилға мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳри, 100029, Буюк Турон кўчаси, 41-уй, 16-қават, 16-07 хона, ДУК «Тошкентендерконсалтинг».

Мўлжал: «Tashkent Palace Hotel» меҳмонхонаси ва Ўзбекистон тарихи Давлат музейи.

Тел.: (+998-71) 233-22-61, 233-97-14, тел/факс: 233-23-61.

E-mail: tashkentender@mail.ru

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш: ҳолат ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан ташкил этилган йиғилишда мамлакатимизнинг ушбу соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртли раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Анжуман мамлакатимизда туризм соҳасидаги ислохотлар самараси, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш механизмлари, қадимий обидаларга сайёҳларни кенг жалб этиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, меҳмонларни жаҳон андозаларига мос техника ва технологиялар билан таъминлаш ва ходимлар малакасини ошириш масалаларига бағишланди. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик бизнесини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон сайёҳлик бизнесини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда» қарори билан мамлакатимизда туризм соҳасидаги ислохотлар самараси, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш механизмлари, қадимий обидаларга сайёҳларни кенг жалб этиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, меҳмонларни жаҳон андозаларига мос техника ва технологиялар билан таъминлаш ва ходимлар малакасини ошириш масалаларига бағишланди.

ТУРИЗМ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори сайёҳлик соҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг замонавий турларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, «Ўзэкспомарказ»да 2-4 ноябрь кунлари «Буюк Ипак йўли туризми-2011» Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси иш бошлаши ва унга тайёргарлик кўриш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

— Бутунжаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, туризм дунё ялли миллий маҳсулотининг ўндан бир қисмини, халқроқ инвестиция-

ларнинг 11 фоиздан ортигини ва жаҳондаги ишлаб чиқаришнинг ҳар 9-ишчи ўрнини таъминлайди, — дейди компания вакили Отабек Жалилов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Мамлакатимиздаги бебаҳо обидалар асрлар оша дунё аҳлини мафтун этиб келади. Бугунги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Қўқон сингари тарихий шаҳарларидagi осори-атиқаларни катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилишади. 2011 йил биринчи ярмида юртимизда туристик хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръати 27 фоизга, сайёҳларга хизмат ҳажми 6,6 фоизга ошган. Мамлакатимиздаги 782 та туристик корхоналар фао-

лият юритиб, уларнинг 488 таси туроператорлик марказлари бўлса, 294 тасини меҳмонхоналар ташкил этади. Мазкур матбуот анжумани йигирма йил давомида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан амалга оширилган хайрли ишларни сарҳисоб қилиши баробарида келажакдаги истиқболли режаларга замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон курорт ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги энг етакчи ўн та мамлакат сирасига қиради. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Тадбирда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ўтган йиллар давомидаги фаолияти тахлил қилиниб, соҳа ходимларининг ҳисоботи тингланди. «Буюк Ипак йўли туризми-2011» Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасини ташкил этаётган TNT Экспо компаниясининг кўргазмага тайёргарлик кўриш усуллари ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот берилди.

Азима ҚИЁСОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Анушервон ҳузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда мумтоз вазири Бузургмехрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида ундан:

- Эй ҳаким, дунёда энг яхши нарса нима? — деб сўрабди.
- Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нима йўқ, — дебди Бузургмехр.
- Нима экан улар?
- Ҳақ, аёл ва эҳтиёж.

Анушервон бу жавобдан хижолат бўлибди ва ҳаким бемаъни гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Кейин қулай фурсат топиб, бу нима деганинг, дурустроқ шарҳлаб бер, дебди. Шунда Бузургмехр:

— Эй шаҳриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отангининг салтанати сенга тегармиди, эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди? — дебди. ***

Анушервоннинг ўғли Хурмуз Ахвонд вилоятига борган пайтда ўша ернинг ҳокими билан мулоқотда бўлди ва бир кунни унга деди:

— Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч бир айб кўрмадим. Аммо ўша кўрган айбим ўн та айбни ўз ортидан эргаштириб юради.

Ҳоким: — У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб келадигани эса қайсилар — айтиб бер! — деди.

Хурмуз деди: — Ўша айб керилиш ва ўзни катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларнинг биринчиси — менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқши.

Иккинчиси — одамларни тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда, ўзи эса касб-хунарининг бирортасига ҳам эга бўлмаслик. Учинчиси — ўқишдан орқилиб, илму адабдан бебахора қолиш. Тўртинчиси — ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиб, ўзига душман орттириш ва обрўини тўкиш. Бешинчиси — манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амалини хоҳлаб қолиш, натижада хору зор бўлиб, ўз мартабасидан ҳам ажраш. Олтинчиси — одамларнинг ҳақ-хуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси — одамларга хавф солиш, уларни масҳара қилиш орқали бекадор бўлиш. Саккизинчиси — маслаҳатсиз иш тутиш туфайли хижолат чекиб, надомат тортиш. Тўққизинчиси — одамлар мени улугъ фахмлайди, деб ўйлаш ва гумонда юриш. Ҳикматинчиси — фозил ва комил кишиларга қулқол солмай, ҳақорат кўзи билан қараш сабабли уларнинг назаридан қолиш!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

(Давоми бор)

Спорт янгиликлари



Мусобақалар

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Маълумки, юртимизда хотин-қизлар ўртасида спортнинг барча турлари бўйича мамлакат ва халқаро миқёсда бир қатор мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Бунинг натижасида спортнинг ривожланишида аёллар иштироки ва ютуқлар салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда.

Кун кеча «Белтепа» спорт мажмуида Шайхонтохур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан хотин-қизларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган «Мустақиллик кубоғи» учун «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Аёллар спорт фестивали» ўтказилди. Спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дарст, гимнастрада турлари бўйича ташкил этилган ушбу мусобақада Халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, Давлат СЭС марказининг ходимлари, туман Касаба уюшмаси фаоллари ва «Маҳалла» жамоармаси ходимларидан иборат жами 5 нафар жамоалар ўзроқ беллашдилар. Шунингдек, туманда жойлашган Олий ва ўрта-маҳсул ўқув юртлилари шарофитини ҳимоя қилиш мақсадида ташриф буюрган жамоалар ҳам спортнинг гимнастрада тури бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Фестивалда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова сўз олиб, жонажон Ватанимизда йигит-қизларнинг жисмонан ва маъ-

нан баркамол бўлиб камол топиши учун яратилган шарт-шароитлар замирида ҳар бир шахсдан масъулият билан ташаббус кўрсатишга ўнг, ишонч ва шароит ҳар бир инсонни олға қадам босишга ундашлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтди. Хотин-қизларимиз ўртасида ўтказилаётган ушбу мусобақалар ҳам нафақат орангиздан энг кучли хаваскор спортчиларимизни аниқлаш, балки туманимизнинг барча хотин-қизлари ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Ҳақиқатан ҳам, бу мусобақалар орқали сизларнинг спортга бўлган қизиқишингиз янада ошади ва хотин-қизларимизни жисмонан гузалликка эриштиришга хизмат қилиб, туманимиз шаънини ҳимоя қила оладиган спортчиларимиз сони янада кўпаяди, дея барча катнашчиларга омад тилади.

Шундан сўнг мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида катта таассурот қолдирди ва қўлибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Козим Улмасов олган сурат

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида чемпионлик унвонини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Бунёкор» жамоаси 22-тур учрашувини Ғузурда «Шўртан» футболчиларига қарши ўтказиб, жорий мавсумдаги дастлабки мағлубиятини тан олди.

ЧЕМПИОННИНГ ДАСТЛАБКИ МАҒЛУБИЯТИ

Ғузурда ўтган ўйинда меҳмонларга жиддий қаршилиқ кўрсатган «Шўртан» футболчилари учрашувининг 17-дақиқасида Александр Мерзляков томонидан киритилган ягона гол эвазига зафар кўчди. «Бунёкор» футболчилари чемпионатда илк бор мағлубиятга учраганига қарамай, 55 очко билан мусобақа жадвалининг энг юқори поғонасида мустаҳкам турибди.

Кумуш медалга асосий даъвогар — Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонини чемпионат аутсайдер «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилди. Ушбу учрашувда мезбонларга ғалаба келтирган голни иккинчи бўлим ўрталарида Кахи Махарадзе урди. «Пахтакор» навбатдаги ғалабадан сўнг очкосини 41 тага етказган бўлса, чемпионат давомида атиги 12 очко жамғарган жиҳазликларда олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш имконияти деярли қолмади.

Йигирма иккинчи турнинг марказий учрашуви Фарғонада — «Нефтчи» ва «Насаф» (Қарши) ўртасида ўтказилиши лозим эди. Лекин қаршилиқ чарм тўп усталарининг ОФК кубоғи мусобақасининг ярим финалида тўп суриши муносабати билан мазкур баҳс мuddати кечиктирилди. Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Олмалик» (Олмалик) — «Бухоро» (Бухоро) 6:1, «Қизилқум» (Зарафшон) — «Машъал» (Муборак) 0:1, «Андижон» (Андижон) — «Навбахор» (Наманган) 0:0, «Динамо» (Самарқанд) — «Металлург» (Бекобод) 3:1.

пониат давомида атиги 12 очко жамғарган жиҳазликларда олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш имконияти деярли қолмади.

Йигирма иккинчи турнинг марказий учрашуви Фарғонада — «Нефтчи» ва «Насаф» (Қарши) ўртасида ўтказилиши лозим эди. Лекин қаршилиқ чарм тўп усталарининг ОФК кубоғи мусобақасининг ярим финалида тўп суриши муносабати билан мазкур баҳс мuddати кечиктирилди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Олмалик» (Олмалик) — «Бухоро» (Бухоро) 6:1, «Қизилқум» (Зарафшон) — «Машъал» (Муборак) 0:1, «Андижон» (Андижон) — «Навбахор» (Наманган) 0:0, «Динамо» (Самарқанд) — «Металлург» (Бекобод) 3:1.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ўн вазн тоифасида совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун курашаётган кучли боксчилар тобора сараланмоқда.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари навбатдаги ғалабалари билан ҳамюртларимизни хушнуд этди. Айнқса, 81 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда қатнашаётган терма жамоамиз сардори Элшод Расуловнинг маҳорати ва жанг усули кўплаб мухлис мутахассисларга манзур бўлмоқда. 2009 йилги жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган Элшод бу гал чемпионатни иккинчи дарадан бошлади ва дастлабки учрашувда Кайман ороллари вакили Даннэл Пол Эбанкс устидан 22:5 ҳисобида зафар кўчди. Э.Расулов чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган навбатдаги беллашувда бразилиялик Ямагучи Фалкони енгса, Лондон Олимпиа-

дади йўлланмасини кўлга киради. Осиё чемпиони Санжарбек Раҳмонов ҳам кетма-кет икки жангда зафар кўчди. 64 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган истеъдодли ёш боксчимиз дастлабки жангда литвалик Рикардас Кункайтисдан 21:17 ҳисобида устун келди. Иккинчи босқичдаги энг кескин ва муросасиз ўтган жангда кучли рақиб — туркиялик Онуэр Сипалини 23:22 ҳисобида мағлубиятга уратган Санжарбек навбатдаги баҳсда озарбойжонлик Гайбатулла Гажилиев билан рақобатлашди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги мусобақада Жасурбек Латипов ҳам нимчорак финалга чиқди. Кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга боксчимиз жаҳон чемпионатидаги иккинчи учрашувда беларуслик Иван Фигуренко устидан 21:7 ҳисобида зафар кўчди.

Илк мартаба катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашаётган Бухоро бокс мактаби тарбияланувчиси Фазиiddин Ғойибназаров дастлабки ғалабасини нишонлади. 60 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган 20 ёшли боксчимиз дастлабки учрашувда Хитой Тайпейи вакили Чих Юан Каони мuddатидан олдин мағлубиятга учратди. Икки қарра Ўзбекистон чемпиони бўлган Фазиiddин Ғойибназаров навбатдаги жангини Доминикан Республикасидан келган Веллингтон Ариасга қарши ўтказди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Кўчмас Мулк Савдо Хизмати» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, 06.03.2006 йилдаги №ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ховличилар» худудида жойлашган 67-сонли дала ховли қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 253 207 023 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 8 ноябрь кунни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Мазкур мол-мулклар билан суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

Шайхонтохур туман ободонлаштириш бошқармаси фуқароларни ишга таклиф қилади. Маълумот учун телефонлар: 244-26-24, 244-29-58



секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 6 октябрь кунни ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади. Республика худуди бўйича ҳаво бироз ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумоти асосан, 6 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси бўйича ҳаво бироз ўзгартиб тахмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2879 нуска босилади.
Қўлиб берилади: А-2

Нашрни тайёрлаш ва тарқатиш бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва шифрланди.
«Шарқ» нашрий-матбوع акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашрий-матбوع акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.